Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 28-oktabr. Seshanba ● 127 (31.874) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон ХДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам, барча даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам кўпчилик ўринни қўлга киритиш учун ҳаракат қилади

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Мазкур воқеа кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда, икки давлатнинг мустаҳкам дўстлиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда.

Ўзбекистон фуқароси эканлигимиздан фахрланамиз

Бу — юртимизда яшаётган туркман миллатига мансуб кишиларнинг фикридир

Мухтор ШАРОПОВ, халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, туман фермерлар уюшмаси раиси:

— Президентимизнинг Туркманистон сафарини телевидение орқали кузатдим. Икки давлат раҳбари ҳам бир-бирига чексиз ҳурмат билан муносабатда бўлди. Улар тимсолида мен халқларимиз дўстлигини, қадрдонлигини, қондош, жондошлигини, бир-бирига бўлган меҳрини яна бир бор ҳис этдим.

Шу ўринда бир гапни айтгим келди. Ўзбек билан туркманни кимлигини билмоқчи бўлсангиз, қалбини англамоқчи бўлсангиз энг аввал Алишер Навоийни, Махтумқулини ўқинг, англанг. Ўшандагина бу халқлар қандай буюк халқ эканлигини билиб оласиз.

Бугунги кунда барчамиз дунёда қандай воқеалар содир бўлаётганини кўриб, билиб турибмиз. Кўплаб мамлакатларда қон тўкилаётган, зўравонлик, нотинчлик авж олган бир пайтда Ўзбекистон ва Туркманистон давлат раҳбарлари минтақада тинчликни, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик хавфсизликни таъминлаш масаласида ҳамфикр бўлмоқда.

Маълумотларга қараганда, икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2013 йилда 353,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь-август ойларида 246 миллион долларга етган. Бироқ, томонларнинг имкониятлари бу рақамлардан анча юқори эканлиги қайд этилди.

Учрашувларда айтилганидек, икки давлат ҳам тўғридан-тўғри денгизга чиқиш имкониятига эга эмас. Бунинг учун транспорт коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур. Бу ишга аллақачон қўл урилган бўлиб, ушбу ғоянинг амалга татбиқ этилиши натижасида Марказий Осиё давлатларини Яқин Шарқнинг иқтисодий фаол кўрфазларидаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконияти пайдо бўлади.

Ташриф давомида давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросимини ҳам ҳаяжон билан кузатдим. Ислом Каримов Туркманистоннинг Махтумқули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланди. Гурбангули Бердимухамедовга эса Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик» ордени топширилди. Икки Президентнинг мукофотланиши тимсолида халқларимизнинг бир-бирига ҳурмат ва меҳрининг намунасини кўрдим.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти, қадриятлари, тил ва урф-одатлари бир. Икки эл ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳақиқий бағрикенглик устига қурилган.

1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО томонидан «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар акс этган. Бизнинг халқларимиз эса азал-азалдан ушбу тамойилларга тўла амал қилиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бошқа халқлар қатори туркманлар ҳам тинч-осуда ҳаёт кечирмоқда. Пойтахтимиз Тошкентда ҳамда Қашқадарё, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида Туркман миллий маданий марказларининг бўлимлари очилган.

Бизнинг Қашқадарё вилояти Миришкор туманида ҳам айни пайтда 30 мингдан ортиқ туркман яшайди. Улар мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этишмоқда. Ақлимизни танибмизки, ўзбек ва туркман халқлари ҳақиқий дўстлик қандай бўлишини амалда кўрсатиб келмоқда.

Мен Ўзбекистонда яшаётган туркман сифатида юртимдан, Президентимдан рози эканлигимни айтмоқчиман. Туман Кенгаши депутати, фермерлар уюшмаси раисиман. Оилам тинч. Ҳамма ҳурматимни жойига қўяди. Бир инсон учун бундан ортиқ бахт борми?!

Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан фахрланаман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ ёзиб олди.



Ёш сиёсатчилар сайловларда фаол иштирок этади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти сайлов кампаниясининг барча жараёнлари, ҳар бир босқичида партиямиз ёш фаолларининг муносиб иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада турли лойиҳалар амалга ошириляпти.

► *Давоми 2-бетда.*



2010 йил май ойида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан вакиллик ҳокимиятидаги партиянинг депутатлик тузилмалари имкониятларини электорат манфаатлари ҳимоясига самарали йўналтириш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди.

Унда депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди. Депутатларнинг ўтган беш ойлик фаолияти танқидий таҳлил этилди. Шу вақтга қадар тўпланган тажрибаларга суянган ҳолда партиянинг сайловолди ваъдаларини бажаришда депутатларнинг ҳуқуқлари ҳамда ваколатларидан самарали фойдаланиш йўллари белгилаб олинди.

***

2010 йил июнь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш бўйича сайловчилардан тушган таклифлар муҳокама этилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар таҳлили ушбу қонуннинг айрим моддаларини қайта кўриб чиқиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш лозимлигини кўрсатди. Депутатлар ушбу масала юзасидан ўз нуқтаи назарини билдиришди. ЎзХДП фракцияси аъзоларининг таклифлари кейинчалик янги таҳрирда қабул қилинган қонунда ўз ифодасини топди.

***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари 2010-2014 йилларда қонунлар лойиҳалари устида ишлашга алоҳида эътибор қаратди.

Партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда фракция аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси сифатида **30** дан зиёд қонун лойиҳаси устида иш олиб борилди ва **20** та қонун лойиҳаси тайёрланди.

Мисол учун, Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг айрим нормалари ЎзХДП электорати манфаатларига тўлиқ жавоб бермагани сабабли мазкур қонун лойиҳасининг муқобил таҳрири ишлаб чиқилди ҳамда Қонунчилик палатасига киритилди. ЎзХДП фракциясининг таклифлари эса қабул қилинган Қонунда ўз аксини топди.

Кузатувчилар овозларни санаб чиқиш ва участка сайлов комиссиясининг баённларини тузишда ҳозир бўлиши, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш, башарти сайлов участкасида қонун бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқига эга.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: САЙЛОВ — МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИ

Кузатувчилар фаолиятида

холислик бош мезон бўлиши зарур

Мамлакатимизда сайлов кампанияси халқаро меъёрларга, миллий сайлов қонунчилигига, унда белгиланган очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик каби демократик тамойилларга тўла мос ҳолда ташкил этилмоқда. Сайловларнинг демократик талаблар асосида ўтиши бевосита бу жараёнда иштирок этадиган кузатувчилар фаолиятига ҳам боғлиқ. Кузатувчиларнинг сайлов жараёнида тутган ўрни, уларнинг ваколат ҳамда мажбуриятлари нималардан иборат?

ЎзХДП Марказий Кенгаши эксперти, сиёсатшунос Абдулла Абдухалилов билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

2

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Сайловларда ғалаба қозониш учун қаттиқ курашмоқ керак бўлади

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгашининг пленуми ўтказилди. Унда шу йилнинг 21 декабрида бўладиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар муносабати билан ЎзХДП вилоят Кенгаши, маҳаллий партия ташкилотларининг вазифалари кенг муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан партия вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров маъруза қилди.

Пленумда сайловлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичида ўтаётгани билан янада аҳамиятли экани таъкидланди. Бу эса ўз навбатида партия ташкилотлари ва албатта улар томонидан кўрсатилаётган депутатликка номзодлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Ўзбекистон Халқ демократик партияси

ёшларнинг соғлом, баркамол бўлиб улғайиши учун тўкис шарт-шароит яратилиши тарафдоридир!



www.uzbekistonovozi.uz

«Мен сайловда биринчи марта овоз бераман!»

Жавлон МУХСИМОВ, Тошкент педиатрия тиббиёт институти 1-курс талабаси, Халқаро Менделеев олимпиадаси ғолиби, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Москва шаҳрида ўтказилган 47-, юртимизда ўтказилган 48-олимпиадаларда кумуш ва олтин медаллар соҳиби бўлдим. Шу йилнинг 20-29 июль кунлари Вьетнамда бўлиб ўтган кимё фани бўйича Жаҳон олимпиадасида кумуш медални қўлга киритдим.

Ушбу натижага эришишимда авваламбор, устозларим ва отаонамнинг хизмати катта, албатта. Бироқ энг муҳими эса, юртимизда таълим муассасалари моддий-техник базасини яхшилаш, малакали педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, яратилган шарт-шароитлар туфайли биз ёшлар бундай ютуқларга эришаяпмиз. Вақти келиб, Ўзбекистон ёшлари, хусусан, Менделеев олимпиадалари ғолиблари орасидан давлат мукофотлари лауреатлари етишиб чиқишига ишонаман.

Мен мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга ҳам жуда қизиқаман. Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлдим. Қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, ёшларга оид қонунчилик ҳужжатлари билан мунтазам танишиб бораман. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўладиган сайловлар яқинлашган сари ҳаяжоним ортмоқда. Чунки бу йил сайловда биринчи марта иштирок этаман. Кимлар депутат этиб сайланиши табиийки, ҳар биримизнинг овозимизга боғлиқ эканини биламан. Бунинг масъулиятини ҳис этиб турибман. Мен оддий сайловчи эмасман. ЎзХДП аъзосиман, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиман. Демак, сайлов олдидан партиямиз ғояларини тарғибот қилиш ишларида ҳам фаол иштирок этишим керак, деб ўйлайман. Партиямиз кўрсатадиган номзодлар сайловда муносиб иштирок этишида менинг овозим ҳам муҳим аҳамиятга эга.



2015 йилда қайси мақсадларга Давлат бюджети харажатлари кўпаяди? Солиқ сиёсатида қандай ўзгаришлар кутиляпти? Уларнинг аҳамияти нимада?

Тафсилотлар билан газетамизнинг келгуси сонида танишасиз.



Хоразм вилоятидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида фаолият кўрсатаётган ЎзХДП гуруҳлари ўтган беш йилда 50 дан ортиқ ижтимоий масалани сессиялар муҳокамасига олиб чиқди

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: САЙЛОВ — МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИ

Кузатувчилар фаолиятида

холислик бош мезон бўлиши зарур

— Айтинг-чи, нима учун сайлов жараёнида кузатувчиларнинг иштирок этиши демократик тамойилларнинг муҳим белгиси ҳисобланади?

— Кузатувчи, энг аввало, сайлов билан боғлиқ барча жараёнларга четдан туриб холис баҳо беради. Бу эса сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда очиқ ва ошкораликни таъминлашнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Кузатувчилар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички кузатувчилар сиёсий партиялар ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатилади. Ташқи кузатувчилар эса халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлардан таклиф этилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этади. Шунингдек, сайловчиларнинг ҳамда сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништиради, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилади. Мазкур жараёнда эса кузатувчилар бевосита иштирок этади.

Хусусан, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қайд этиш лозимки, манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида маълум қилиши талаб этилади. Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин беш кун ичида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси белгилаган намунадаги мандатни кузатувчи учун беради.

— Кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?

— Бизга маълумки, кузатувчи сайлов билан боғлиқ барча муҳим жараёнларда иштирок этиши мумкин. Яъни, депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида қатнашади. Шунингдек, уларга сайлов участкасида тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш ҳуқуқи берилган.

Кузатувчилар овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённарини тузишда ҳозир бўлиши, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш, башарти сайлов участкасида қонун бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш каби ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин.

— Кузатувчилар учун нималар тақиқланади?

— Энг аввало, кузатувчи сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиши ман қилинади. Ўз навбатида бошқа сиёсий партиядан кўрсатилган номзодлар ҳақида салбий ахборотлар беришига ҳам йўл қўйилмайди.

Шунингдек, кузатувчилар сайловчилардан уларнинг кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириши ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиши, участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиши тақиқланади.

— Хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни таклиф этилиш тартиби ҳақида гапириб берсангиз?

— Демократик тамойиллар устувор бўлган давлатда ўтадиган ҳар қандай сиёсий жараён жаҳон жамоатчилиги, хусусан, халқаро ташкилотларнинг эътиборида бўлади. Ўзбекистон ҳам мустақил демократик давлат сифатида кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлган. Сайлов жараёнида кузатувчилар сифатида мазкур халқаро ташкилотлар ҳамда чет давлатлар вакиллари иштирок этиши мумкин. Кузатувчиларнинг келиши ҳамда уларнинг сони ҳар икки томоннинг келишуви асосида белгилаб олинади.

Халқаро кузатувчилар парламент қуйи палатасига сайловда иштирок этадиган сиёсий партиялар, Қонунчилик палатаси депутатлигига рўйхатга олинган номзодларга сайловолди ташвиқоти олиб бориш борасида яратилган имкониятлар, сайловчилар рўйхатини тузиш ва аниқлаштириш жараёни, шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада либераллаштириш, хусусан, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ҳақида батафсил маълумот олиш ҳуқуқига эга.

Хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари сайлов жараёнини холис ўрганиш асносида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш натижалари бўйича якуний баёнот тайёрлайди ҳамда сайловнинг эртаси куни тақдим этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, сайлов — халқнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

> Кузатувчи, энг аввало, сайлов билан боғлиқ барча жараёнларга четдан туриб холис баҳо беради.

Шу боис сайлов жараёнида амалдаги қонунчиликка риоя этилиши, округ ва участка сайлов комиссияларининг қонунийлик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлилик тамойилларига асосланган аниқ, уюшган фаолиятини таъминлашда хорижий ва маҳаллий кузатувчилар муҳим ўрин тутади. Асосийси, уларнинг фаолиятида холислик бош мезон бўлиши зарур.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ суҳбатлашди.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Муносабат

Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида билдирилган самимий фикрлар юртимиздаги деҳқон, фермер ва барча қишлоқ хўжалиги ходимлари кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади, юксак марралар сари руҳлантирди.

Меҳнатсевар, мард ва матонатли халқимиз

бундан-да юксак марраларга эришишга қодир

Қаҳрамон РЎЗИЕВ,
Кармана туманидаги «Авез бобо» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП фаоли:

— Президентимиз Ўзбекистон пахтакорларига йўллаган табригида бизнинг фермер хўжалигимизни ҳам алоҳида эътироф этгани мени тўлқинлантириб юборди. Меҳнатимиз қадр топганидан чексиз мамнун бўлдик. Фермерлик мураккаб соҳалардан бири бўлиб, юқори маррани кўзлаган фермер ерни яхши билиши, ҳам механизатор, ҳам менежер бўлиши, ҳам замонавий техникалардан фойдалана олиши зарур. Бу, айниқса, кўп меҳнат талаб қиладиган пахта етиштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз табригида алоҳида таъкидланганидек, бу йил баҳор фаслида ҳаво ҳароратининг одатдагидан паст бўлгани, чигитнинг униб чиқиши 8-10 кунга кечиккани, айрим ҳудудларда ғўзани сел ва дўл уриб кетгани, турли касаллик қўпайгани, ёздаги сув танқислиги, кузнинг анча эрта ва салқин келгани деҳқон ва фермерлар учун жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Шунга қарамасдан фермер хўжалигимиздаги 140 гектар ернинг 60 гектарида сифатли пахта етиштирдик. Табиат инжиқликларини енгиб, гектаридан 45 центнер ҳосил кўтардик. Пахта топшириш режаси ортиғи билан бажарилди.

Ҳалол меҳнат ҳамда фидойилик кишига ҳурмат ва обрў келтиради. Президентимизнинг хўжалигимизга кўрсатган эътибори эса бутун навоийлик миришкорлар меҳнатига берилган юксак баҳо, деб биламан.

Қаҳрамон САТТОРОВ,
Олтинкўл туманидаги «Ҳосил меҳнат кўрки» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП фаоли:

— Бугунги кунда фермерлик ҳаракати мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий бўғинига айланмоқда. Энг муҳими, аҳоли даромадларини ошириш, иш билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз табригида Олтинкўл тумани фермерлари меҳнатига юксак баҳо берилди. Шартнома режасининг қисқа муддатларда бажарилгани кўпчиликка ўрнак ва намуна экани таъкидланди. Эришилган бу натижа, энг аввало, деҳқон ва фермерларга берилаётган эътибор, яратилаётган қулай шарт-шароитлар самарасидир. Минерал ўғитларнинг ўз вақтида ажратилаётгани, қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун алоҳида имтиёз берилаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ғўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталди.

Бу йўналишда фермер хўжалигимизда ҳам қатор ишлар бажарилмоқда. Хусусан, 88 гектар ерга туманимиз табиати учун мос бўлган «Султон» нави экилди. Натижада гектаридан 45 центнердан ҳосил олдик. Бугун барча деҳқон ва фермерлар шуни англадики, пахтадан юқори ҳосил кўтаришда турли минерал ўғитлардан фойдаланиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш билан бирга серҳосил, юқори сифатли тола берадиган, эртапишар ғўза навларини яратиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шу боис бизда мазкур масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда фермер хўжалигимизда 50 нафар киши ишлайди. Уларнинг турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда.

Одамларимиз турмуш фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлигининг бош омили бу — меҳнаткаш ва фидойи халқимиздир. Бугун уларнинг дунёқараши ўзгариб, ерга эгалик, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бормоқда. Шуни ишонч билан айтиш керакки, халқимиз бундан-да юксак марраларга эришишга қодир.

БИЗ ЎзХДПни ТАНЛАДИК!

Сафларимиз кенгаймоқда

Яна қирқ беш нафар ўқитувчи ва мураббий партиямизга аъзо бўлди

ЎзХДП аъзоларининг катта қисмини ўқитувчи ва мураббийлар ташкил этади. Улар партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, ғояларини кенг тарғиб этиш орқали сайловолди кампаниясида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Яқинда ЎзХДП Учтепа туман кенгаши партиямиз ғояларини қўллаб-қувватлаётган 65 нафар ижтимоий-сиёсий фаол кишиларга аъзолик гувоҳномаларини топширди. Эътиборлиси, уларнинг 45 нафари педагоглардир.

Биз ЎзХДПни танлаган шарафли касб эгаларидан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Нигора ОРИПОВА,
Учтепа туманидаги 78-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз олдига юксак мақсадларни қўйган. Уни амалга ошириш эса партиянинг ҳар бир аъзосидан катта масъулият, билим ва куч-ғайрат талаб қилади. Мен кузатувларим жараёнида ЎзХДПнинг жамиятда юқори мавқега эга эканига гувоҳ бўлдим. Қабул қилинаётган қонунлар, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишда партиянинг ўз ўрни бор, албатта. Айниқса, аҳоли, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида олиб бораётган ишларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Бугунги кунда бошланғич ташкилотимизда 25 нафар аъзо бор. Бошланғич ташкилот етакчиси Дилфуза Бердиқулова билан бўлажак сайловда муносиб иштирок этиш бўйича иш олиб боряпмиз.

Камола АБДУЛЛАЕВА,
Учтепа туманидаги 78-умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси:

— ЎзХДПга аъзо бўлишим тасодифан рўй бергани йўқ. Ушбу партиянинг туман кенгаши фаолиятини кузатиб шунга қарор қилдим. Партиямизнинг мақсадлари олижаноб, ғоялари халқчил. Менинг ҳаётий қарашларимга тўла мос келади.

Бугунги ўқитувчи мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар, сиёсий жараёнлардан орқада қолмаслиги керак. Аксинча, у жамиятнинг етакчи кучлари сафида бўлиши лозим. Партияга аъзо бўлиш эса сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш имконини беради.

Раъно ЗОИРОВА,
Учтепа туманидаги 393-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси:

— Яқинда жамоамиздан 21 нафар тарбиячи Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлди. Ҳар бир партиянинг куч-қудрати ғояларининг қанчалик халқчил ва ҳаётийлиги билан ўлчанади. ЎзХДП эзгу мақсадга эга сиёсий кучдир. Ёрдамга эҳтиёжманд кишиларни қўллаш энг савобли ишлардан ҳисобланади. Мен ушбу партия сафида эканимдан фахрланаман. Айни пайтда олдимизда бўлажак сайловда муваффақиятли иштирок этиш вазифаси турибди. Мен ҳам сайлов жараёнида партия аъзоси сифатида ўзимнинг бор куч ва билимимни ишга солишга ҳаракат қиламан.

Ўктам АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА



Сайловларда ғалаба қозониш учун қаттиқ курашмоқ керак бўлади

— Сиёсий партиялар орасида рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги вазиятда сайловда муваффақият қозониш осон бўлмайди, — деди **ЎзХДП Хонқа туман кенгаши раиси Аҳмаджон Ваисов.** — Бунинг учун жойларда партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар ишини ҳамжиҳатликда ташкил этиш керак. Улар ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириши зарур. Шунингдек, сайловда яхши натижаларни қўлга киритиш учун ишончни оқлайдиган, юртимизда рўй бераётган ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган, уларни янада ривожлантириш бўйича ўз позициясига эга бўлган партиядошларимизни депутатликка номзод қилиб кўрсатишимиз ва уларнинг сайланиши учун бор имкониятларни ишга солишимиз лозим, деб ўйлайман.

— Биз аввало кўрсатилаётган номзодларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқдик, — деди **ЎзХДП Хива туман кенгаши раиси Шоназар Матқубов.** — Негаки, кўрсатилаётган номзоднинг обрў-эътибори ҳудудий партия ташкилотининг обрўсини ҳам белгилайди. Демак, эл-юртга хизмати синган, фидойи, ҳар томонлама ибратли, сиёсий етук кишиларни кўрсатсак, нафақат кўпроқ депутатлик ўринларини қўлга киритамиз, балки партиямиз қабул қиладиган сайловолди дастурини татбиқ этиш бўйича имкониятларимиз ҳам юқори бўлади.

— Юқорида тўғри таъкидланди, биз тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этишимиз зарур, — деди **вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров.** — Хўш, сайловолди ташвиқотида нималарга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади? Бунда, албатта, ўтган беш йилдаги амалий ишларимиз таҳлилига таяниш керак. Масалан, ҳисобот даврида партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига икки минг нафардан ортиқ фуқаро мурожаат қилди. Бу мурожаатларнинг 80 фоиздан ортиғида кўтарилган масалалар ижобий ҳал этилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари ўтган даврда сессиялар кун тартибига 50 дан ортиқ масала киритди. Айниқса, халқ депутатлари Хонқа, Янгиариқ ва Ҳазорасп туман Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз бу борада фаол бўлиб, электоратимизни ўйлантираётган муаммоларга ечим топиш учун долзарб масалаларни депутатларимиз сессиялар муҳокамасига олиб чиқишди ва қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиб, сайловчилар ишончини муайян даражада оқлашди.

Пленумда халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзодлар кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар муносабати билан ишлаб чиқилган ЎзХДП сайловолди дастури лойиҳаси ҳамда партиямиз Уставига ўзгартиришлар киритиш бўйича бир қатор таклифлар билдирилди. Пленумда вилоят партия ташкилотидан халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутатлигига 60 нафар номзод кўрсатилди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ёш сиёсатчилар сайловларда фаол иштирок этади

Ёшлар қаноти етакчиси Шохруҳ Абдураҳмоновнинг таъкидлашича, «Бўлажак депутат» лойиҳаси доирасида ёшлар маълум бир ҳудудлар бўйича турли муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимларини муҳокама этмоқда. Керак бўлса, депутатликка номзод сифатида ўзларининг сайловолди дастурларини ишлаб чиқиб, партия кенгашлари, маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳларига тақдим этмоқда.

«Менинг биринчи сайловим», «Менинг овозим аҳамиятга эга» лойиҳалари асосида сайловларда биринчи марта овоз берадиган ёшлар орасида партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳуқуқшунос, сиёсатшунослар иштирокида сайлов қонунчилиги, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақида давра суҳбатлари, семинарлар уюштириляпти. Сайловнинг тақдирини ҳал қилишда ҳар бир сайловчининг овози муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида фикр алмашилмоқда. Сайланадиган депутатлар мамлакатнинг эртанги куни қандай бўлишини белгилашда катта роль ўйнаши ҳақида суҳбатлар уюштирилмоқда.

«Мен кузатувчиман» лойиҳаси эса партиянинг ёш аъзолари орасидан партиянинг кузатувчиларини тайёрлашга қаратилган. Шу сабабли тадбирларда кузатувчининг ҳуқуқлари, сайловнинг очиқлигини таъминлаш, сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олишда кузатувчиларнинг ўрни ҳақида баҳс-мунозаралар ташкил этиляпти.

Амалга оширилаётган барча лойиҳалар «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари — ёш сиёсатчиларнинг сайлов кампаниясининг барча жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган.

Ўз мухбиримиз.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

АКАДЕМИК ЖЎРА МУСАЕВ



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради. Биология ва генетика соҳасидаги таниқли олим, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Жўра Азимбоевич Мусаев 86 ёшида вафот этди.

Ж.Мусаев 1928 йили Тошкент вилоятида туғилди. 1948 йили Ўрта Осиё давлат университетини биолог-ботаник мутахассислиги бўйича тугатиб, аспирантурада ўқишни давом эттирди. 1955 йилда номзодлик, 1974 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1984 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Таниқли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти мобайнида Ўзбекистон Миллий университети ғўза генетикаси лабораторияси ва кафедраси мудири, профессори, Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, директори, Фанлар академиясининг бош илмий котиби каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди ҳамда биология ва генетика соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, илм-фаннинг мазкур йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Ж.Мусаев Ўзбекистонда ғўза генетикаси илмий мактабига асос солди. Унинг генетиканинг назарий ҳамда амалий масалаларига бағишланган қатор мақола ва рисолалари, илмий янгилик ва ихтиролари мазкур соҳа ривожида алоҳида ўрин тутиши мамлакатимиз ва хорижий жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим талабчан ва жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Академик Ж.Мусаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони, «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан мукофотланган, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи даражали давлат мукофотига сазовор бўлган эди.

Йирик олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Жўра Мусаевнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Люксембург: Сайловда ҳамма овоз беради



Люксембург ҳудуди ва аҳоли сони жиҳатидан Европадаги энг кичик суверен давлат ҳисобланади. Бу мамлакатда демократия ривожланиши йўлида катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Люксембургда демократия юксалишида парламентнинг тутаётган ўрнини алоҳида эътироф этиш лозим.

Люксембург парламенти бир палатали бўлиб, депутатлар палатасидан ташкил топган. Унда 60 нафар депутат фаолият олиб боради. Улар тўғридан тўғри овоз бериш йўли орқали беш йил муддатга сайланади. Парламентга сайланган депутат ҳукумат вакили бўла олмайди. Давлат бошлиғи Буюк герцог тайинлайдиган ҳукумат доимий равишда парламентга ҳисобот бериб туради.

Парламентга сайланадиган депутатлар 4 та кўп мандатли сайлов округларидан сайланади. Шулардан 9 нафари депутат шимолий, 7 нафари шарқий, 23 нафари жанубий ва 21 нафар депутат эса ғарбий округ вакиллари бўлади.

> Мамлакат аҳолисининг 17 ёшдан 75 ёшгача бўлган барча фуқаролари парламент сайловида қатнашиши мажбурий ҳисобланади.

Сайловчилар партия рўйхати бўйича бир округка нечта ўрин берилган бўлса, шунча номзодга овоз беришлари мумкин. Мамлакат аҳолисининг 17 ёшдан 75 ёшгача бўлган барча фуқаролари парламент сайловида қатнашиши мажбурий ҳисобланади. Сайлов жараёнларига қатнашмаган аҳоли вакиллари қонунга мувофиқ жаримага тортилади. 75 ёшдан ошган ёки чет элда яшовчи фуқаролари овоз бермасликлари мумкин.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, 2009-2013 йиллар бўлиб ўтган парламент сайловларида бирор киши жаримага тортилмаган. Экспертлар бу ҳолатни Люксембург аҳолисининг сайлов моҳиятини, бу воқеа улар ҳаётида қандай аҳамиятга эга эканини тушуниб етаётгани билан изоҳлашади.

2013 йил 20 октябрда парламентга бўлиб ўтган навбатдаги сайлов Люксембургда демократик тамойиллар изчиллик билан амалга ошаётганини кўрсатди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Люксембургда бир неча сиёсий партия парламентда муносиб ўрин эгаллаш учун кураш олиб боради. Улардан энг йириклари Христиан-социал халқ партияси, Люксембург социал ишчилар партияси, Демократик партия ҳамда Яшиллар партиясидир.


2013 йилда бўлиб ўтган сайловларда Христиан-социал халқ партияси парламентдаги олдинги эгаллаб турган ўринларидан учта кам ўрин эгаллаган бўлса-да 23 депутат билан барибир парламентдаги кўпчилик ўринга эга партия мақомини сақлаб қолди. Демократик партия олдинги сайловга нисбатан тўртта кўп ўринни қўлга киритди (13 ўрин). Люксембург социал ишчилар партиясининг парламентдаги депутатлар сони ўзгармади (13 ўрин). Яшилларга 6 ўрин насиб этган бўлса, «Сўл» бирлашган партияси вакиллари 2 ўрин билан чекланишди.

Люксембург социал ишчилар партияси низомида мамлакатдаги ишчилар ҳаёти, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, нафақа билан таъминлаш ва пенсия кафолати масалаларига алоҳида урғу берилган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатиш мақсадида бу партия янги муқим иш ўринлари яратиш ва уларнинг сонини мунтазам ошириш чоралари бўйича амалий ташаббусларни илгари сурмоқда. Шу сабабли ҳам бу сиёсий партия мамлакат ҳаётидаги ўз ўрнини сақлаб қолмоқда.

Мамлакатдаги ҳар бир ўзгариш одамларнинг дунёқарашида намоён бўлади. Люксембургда ҳам демократик тараққиётни ишончли йўлга солиш осон кечаётгани йўқ. Лекин энг муҳим ютуқ шундаки, мамлакат ҳаёти билан боғлиқ барча муҳим жараёнлар, хусусан, парламент сайловларида фуқаролар фаол қатнашмоқда. Бу фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнида таъсири ошганлигини, сайлов аҳолининг сиёсий қудратига айланганини англатади.

Сарвар РАҲИМОВ

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ



Ҳаётидан мамнун одамлар

Бугунги кунда Конимехга келган одам уни таний олмайди. Туман қиёфаси бутунлай ўзгарди. Истиқлол туфайли ҳудудда 10 дан зиёд янги ҚВП, таълим масканлари, Болалар мусиқа ва санъат мактаби қад ростлади. Намунавий лойиҳа асосида қурилган қишлоқ уйлари эса кўрган кўзни қувнатади.

Конимехликларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, уларнинг ҳар бирида фахрланиш, эртанги кунга ишонч туйғуси мустаҳкам. Одам ўзини қачон бахтли ҳисоблайди?! Қачонки ҳаётидан мамнун, эртанги кунидан кўнгли тўқ бўлса, албатта.

Туманда жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми 110,5 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 105,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 106,3 фоизга ўсди.

Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Натижада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўз фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган фуқароларга тижорат банклари томонидан 5,8 миллиард сўм кредит ажратилди.

Туманда гўшт ва сут маҳсулотлари, қурилиш материаллари йўналишидаги ишлаб чиқариш етакчилик қилмоқда. Жорий йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа қиймати 110 миллион сўмлик «Конимех Алгаритм» хусусий фирмаси иш бошлади. 2014 йилнинг охиригача эса қиймати 2,3 миллиард сўм бўлган 17 та лойиҳа якунланиши кўзда тутилган. Туманда бандлик масаласини ҳал этиш доимий диққат марказда. «2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури» бўйича 2425 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда 1302 таси барпо этилди.

— Юртимизда инсон манфаатларига олий қадрият сифатида эътибор қаратилмоқда, — дейди **ЎзХДП туман Кенгаши раиси Тоқфан Маркс.** — Туманимизда 10 дан зиёд турли миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ истиқомат қилади. Бу мамлакатимиздаги бағрикенглик сиёсати маҳсулидир. Партиямиз она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига мадад қўлларини чўзишдек катта мақсад йўлида курашмоқда. Туманимизда 10 га яқин «Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси» ўтказилди. Бунинг асосий ташаббускорлари ҳам бизнинг депутатларимиз бўлишди. Партиямиз ёрдами билан 8 нафар ёшга тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари берилди.

Туманнинг «Бирлик», «Дўстлик», «Наврўз», «Фарағата», «Саржал», «Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу ерда ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига оид жами 25 та янги лойиҳа жорий қилинди. Жами 420 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган ушбу лойиҳаларнинг ишга тушиши натижасида 50 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Конимех туманида амалга оширилган, оширилаётган ишларга назар ташларкансиз, уларнинг кўлами ниҳоятда кенг эканлигига амин бўласиз. Бундай ютуқлар замирида, аввало, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик ҳамда туман халқининг бирлиги, аҳиллиги мужассам.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди


Яқинда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани «Оққўрғон» маҳалласида қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. 43 нафар тиббиёт ходими иш билан таъминланди.

— Соғлиқни сақлаш муассасаларимизда минг нафардан ортиқ олий ва ўрта тиббий маълумотга эга мутахассислар меҳнат қилмоқда, — дейди **Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари, ЎзХДП аъзоси Олимжон Сафаров.** — Барча тиббиёт муассасаларимиз энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Икки қаватли ушбу мажмуанинг 1-қаватида «Тез тиббий ёрдам бўлими» фаолият кўрсатаётгани қишлоқ аҳолиси учун айни муддао бўлди. ҚВП олти минг нафарга яқин аҳолига хизмат кўрсатади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисида мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланганлиги алоҳида қайд этилди.



Сайёҳлик: экспорт ҳажми ортиб янги иш ўринлари яратилмоқда

Таъкидлаш жоизки, маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли йил бошидан бошлаб 322 миллион долларлик 322 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 172,2 миллион долларлик товарларнинг 143 та янги турларини экспорт қилиш ўзлаштирилди. Ушбу даврда мамлакатимиз экспорт қилувчилари ўз маҳсулотларини илк бор 51 давлатга етказишни бошладилар.

Бунда ўтган йили ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи — экспорт қилувчиларга ҳар томонлама қулайлик яратиш бўйича кўрсатаётган кенг қамровли ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни жамғарманинг Хоразм вилоят филиали мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг январь-август ойларида филиал томонидан 15 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган ҳуқуқий ва ташкилий хизматлар туфайли умумий қиймати 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорида тиббиёт воситалари, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, трикотаж, текстиль маҳсулотлари ва туристик хизматлар Европа, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё, Болтиқбўйи, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларига экспорт қилинди.

— Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспортга мўлжалланган маҳсулотлари хусусидаги маълумотлар асосида уларга ишончли ҳамкорлар топиб бераяпмиз, — дейди филиал директори Хушнуд Назаров. — Айни чоғда уларнинг хорижда ўтказиладиган кўргазма-савдоларда иштирок этишларига амалий ёрдам берилмоқда. Чунончи, жорий йилнинг 23-26 май кунлари Хитойнинг Сиан шаҳрида бўлиб ўтган халқаро саноат маҳсулотлари кўргазмасида «HORAZM GILAMLARI» МЧЖ, «URQ TEX» МЧЖ ва «HORAZM PALACE» МЖЧ қатнашди.

Маълумки, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар туфайли ўтган йили сайёҳлик экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Ҳозирда юртимизда 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотел ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Сайёҳликнинг жадал ривожланишида ҳам жамғарма томонидан хўжалик субъектларига кўрсатилаётган амалий кўмак ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ўзбекистон сайёҳлик бозори ғоятда истиқболли, — дейди Урганч туманидаги «Zukhro travel» МЧЖ раҳбари Бунёд Сададдинов. — Хорижий меҳмонларга хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятимизни кенгайтиришда жамғарма мутахассислари бизга яқиндан кўмаклашди. Бунинг самараси ўлароқ, хориждан ҳамкорлар топиб, Россиядаги Оливер Броссе фирмаси билан 1,1 минг, Италиянинг «OSP TRAVEL DI GONFIANTINI ELENA» компанияси билан 4,145 минг АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномаларини имзолаб, хизматлар кўрсатишга муваффақ бўлдик.

Мухтасар айтганда, жамғарма ва унинг Хоразм вилоят филиали экспортчи хўжалик субъектларининг ишончли ҳамкори ва таянчи, яқин кўмакчисига айланган.

Хизматлар лицензияланган.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Дунё

Қум олтинга тенглашмоқда

Атлантика океанининг Африкага яқин қисмида жойлашган Яшил бурун оролида жиноятчиликнинг янги тури пайдо бўлгани маҳаллий маъмуриятни ташвишга солмоқда.

Гап шундаки, Африканинг мазкур оролида яшовчи уддабурон аҳоли эндиликда океан соҳилидаги қум билан савдо қилишни йўлга қўйган. Бугунги кунда соҳиллардаги чўмилиш ҳавзалари қумсиз заминга айланиб, яланғланиб бормоқда. Натижада океаннинг шўр суви қуруқликкача етиб келиб, дов-дарахтларни нобуд қилмоқда. Фақат қўриқланадиган чўмилиш ҳавзаларидагина қумлар сақланиб қолган холос.

«Der Spiegel» репортёрининг хабар қилишича, денгиз қумлари нафақат Африка қирғоқларидан ўғирланмоқда, балки Янги Зеландия ва АҚШдаги чўмилиш ҳавзаларию қаровсиз соҳиллардан ҳам ўғирланмоқда. Негаки, қумга бўлган талаб дунё бўйича ўсиб бормоқда. Чунки қумлар хусусий чўмилиш ҳавзаларини тўлдирибгина қолмай, ундан саноат ишлаб чиқаришда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Яъни компьютер чиплари, идишлар ва мобиль алоқа воситалари ишлаб чиқаришда қумдан яхшироқ хомашё йўқ. Бундан ташқари, юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш ҳам денгиз қуми ҳисобига тўғри келмоқда. Ҳатто сланец газ қазиб олишда ҳам мазкур қумга етадиган хомашё йўқ ҳисоби.



Кельн университети геологи Клаус Шварцернинг айтишича, кейинги пайтларда қум нефть сингари тенгсиз бойликка айланиб бормоқда. Агар қумга эҳтиёткорлик билан муомала қилишни ҳозирдан йўлга қўймасак, яқин йиллар ичида кишилик жамияти қумсизлик вазиятидан озор чекиши айни ҳақиқат.

Қумнинг энг йирик истеъмолчиси бугунги кунда Гонгконг ва Сингапурдир. Сунъий йўлдошлар жўнатган суратлар шундан далолат бермоқдаки, кейинги ярим асрда Сингапур айнан ўзга давлатлардан келтирилган қум эвазига ўз ҳудудини 22 фоизга кенгайтирган. Бу қумлар Вьетнамдан, Индонезиядан ва Малайзиядан келтирилган.

Агар денгиз қумларидан нолегал тарзда фойдаланиш ва уни ўғирлаб сотиш даражаси бугунги кун кўрсаткичида давом этадиган бўлса, яқин йиллардаёқ қумли чўмилиш ҳавзаларини фақат суратларда кўриш мумкин бўлиб қолади.

Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз 41 давлат орасида 5-ўринни эгаллади. Паралимпиячиларимиз мусобақа давомида 12 маротаба Осиё рекордларини янгилашга муваффақ бўлдилар.

INCHEON 2014 ASIAN PARA GAMES

Шу йилнинг 18 — 24 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида жисмоний имконияти чекланган ва ногирон спортчилар ўртасида ўтказилган ёзги ПараОсиё ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз юртимизга қайтиб келди. Улар Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси вакиллари, кенг спорт жамоатчилиги, ота-оналар, мухлислар ва журналистлар томонидан тантанали кутиб олинди.



ЎзА олган сурат.

Юксак ғамхўрлик ва эътибор

туфайли мамлакатимиз паралимпиячилари Инчеонда ўтказилган ёзги ПараОсиё ўйинларида ёрқин ғалабаларни қўлга киритишди

ПараОсиё ўйинларида йигирма етти нафар ҳамюртимиз иштирок этиб, жами **31 (22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза) та медал**ни қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз қирқ бир давлат орасида бешинчи ўринни эгаллади. Яна бир диққатга сазовор жиҳати, паралимпиячиларимиз мусобақа давомида ўн икки маротаба Осиё рекордларини янгилашга муваффақ бўлдилар.

— Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори ушбу ғалабалар омили бўлди, — дейди **Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси бош котиби Омон Ғафуров.** — Қарорга мувофиқ спортчиларимизнинг замонавий ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, нуфузли мусобақаларга муносиб тайёрланиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Инчеонда ўтказилган баҳсларга тўхталадиган бўлсак, ғолиб ва совриндорларга медаллар билан биргаликда 2016 йили Рио-де-Жанейрода бўладиган навбатдаги Паралимпия ўйинларига йўлланмаларнинг тақдим этилиши ҳар бир учрашувнинг муросасиз ва шиддатли кечишини таъминлади.

ПараОсиё ўйинларида иштирок этган ҳамюртларимиз чинакам ирода ва матонат намойиш этдилар. Жумладан, сузиш бўйича вакилларимиздан Кирилл Паньков тўртта, Дмитрий Хорлин учта, енгил атлетика бўйича Фахриддин Ҳамроев тўрттадан олтин медаль билан тақдирланганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

— Ушбу ғалабаларимиз мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган кенг имкониятлар натижаси, деб биламан, — дейди **ПараОсиё ўйинлари ғолиби Фахриддин Ҳамроев.** — Шундай Ватанда туғилиб вояга етаётганимдан, жаҳон ареналарида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётганимдан фахрланаман. Ниятим эса 2016 йили Бразилияда бўладиган Паралимпия ўйинларида давлатимиз байроғини баланд кўтариб, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшишдир.

ПараОсиё ўйинлари дастуридан жой олган дзюдо беллашувларида гиламга чиққан ҳамюртларимизнинг деярли барчаси сафидан жой олганликлари қувонарлидир. Дзюдочиларимиз турли вазн тоифалари бўйича 7 та олтин ва биттадан кумуш ҳамда бронза медали билан тақдирландилар.

— Инчеонда ўтган беллашувларда Президентимиз ва халқимизнинг юксак эътибори ҳамда ишончини доимо ҳис этиб, фақат ғалаба учун гиламга чиқдик, — дейди дзюдо бўйича **ПараОсиё ўйинлари ғолиби Севинч Салаева.** — Бу бизга катта куч ва ғайрат бағишлади. Оила аъзоларимга мусобақадан олтин медаль билан қайтишга сўз берган-дим. Берган ваъдамни устидан чиққанимдан бахтиёрман. Энди бор эътиборимни — Бразилияда бўладиган XV ёзги Паралимпия ўйинларига пухта ҳозирлик кўришга қаратаман.

Спортчиларимизни тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Адхам Икрамов иштирок этди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШОҲМОТ

Бешинчи турдан сўнг

ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳисобида 1,5 очко бор

Пойтахтимизда шоҳмот бўйича ўтказилаётган FIDE Гран-присининг иккинчи босқич баҳслари тобора ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда.

Турнирнинг тўртинчи турида гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов россиялик Дмитрий Андрейкинга қарши дона суриб, дуранг ўйнади — 0,5:0,5.

Эътиборлиси, мазкур турда ўтказилган бошқа жуфтликлар баҳсида ҳам ғолиб номи аниқланмади. Уларда Борис Гельфанд (Исроил) — Дмитрий Яковенко (Россия), Максим Вашье-Лаграв (Франция) — Сергей Карякин (Россия), Баадур Жобава (Грузия) — Теймур Ражабов (Озарбайжон), Аниш Гири (Голландия) — Фабиано Каруана (Италия), Шаҳрияр Мамадияров (Озарбайжон) — Хикару Накамура (АҚШ) ўзаро дона суришганди.

Бешинчи турда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов оқ доналарда турнирнинг биринчи рақамли иштирокчиси голландиялик Аниш Гири (FIDE таснифи — 2768 очко)га қарши ўйнади. Унда яна дуранг қайд этилди. Турнинг қолган партияларида Накамура Гельфандни, Жобава Карякинни, Яковенко Вашье-Лагравни енгди. Карауна — Мамадияров, Ражабов — Андрейкин жуфтликлари эса ўзаро очко бўлишиб олдилар.



Кеча олтинчи турда жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Шаҳрияр Мамадияровга қарши қора доналарда ўйнади.

Қолган жуфтликларда эса Гельфанд — Вашье-Лаграв, Жобава — Яковенко, Андрейкин — Карякин, Гири — Ражабов, Накамура — Карауна жуфтликлари ўзаро куч синашди.

Эслатиб ўтамиз, бешинчи турдан сўнг, америкалик Хикару Накамура 3,5 очко билан пешқадамлик қиляпти. Максим Вашье-Лаграв (Франция), Дмитрий Андрейкин (Россия), Баадур Жобава (Грузия) — 3 тадан, Теймур Ражабов, Шаҳрияр Мамадияров (Озарбайжон), Дмитрий Яковенко, Сергей Карякин (Россия), Аниш Гири (Голландия) — 2,5, Фабиано Каруана (Италия) — 2, Рустам Қосимжонов, Борис Гельфанд (Исроил) — 1,5 тадан очкога эга.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа

Қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш бугунги тайёргарлик ишларига боғлиқ. Фарғона вилоятида ҳам қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўриш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мавсумда муаммолар бўлмайди

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июндаги Республика иқтисодиёти тармоқларини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси доирасида вилоят бўйича 935 кўпқаватли уй, 235 қозонхона, 138 қозон, 6 минг 600 километрдан зиёд ичимлик суви қувури, табиий газ ва электр тармоқлари мукаммал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

Фарғона, Марғилон, Қўқон ва Қувасой шаҳарларидаги 18 бошқарув сервис компанияси ва 229 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан кўпқаватли уйларда 15 миллиард сўмликдан ортиқ ички коммуникация тармоқлари таъмирланди. Аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларига шу кунга қадар 93,5 минг тоннадан зиёд кўмир ёқилғиси етказиб берилди. Айни кунда бу борадаги ишлар давом этмоқда. 270 ижтимоий соҳа муассасаларига 639 та янги қозон ўрнатилди.

Ижтимоий объектлар, жумладан, 49 умумтаълим мактаби, 19 мактабгача таълим муассасаси, 6 касб-ҳунар коллежи, марказий шифохона ҳамда 17 қишлоқ врачлик пунктида тайёргарлик ишлари якунига етказилмоқда.

Таълим ва тиббиёт муассасаларини мавсум давомида суюлтирилган газ ва кўмир билан таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда. 11,6 минг тоннадан зиёд кўмир, «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси туман филиали томонидан 4 минг 375 тонна суюлтирилган газ захиралари яратилиб, аҳолига етказиб берилади.

Ижтимоий соҳа муассасаларида мева-сабзавот захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Халқ таълими тизими учун 96,1 тонна, соғлиқни сақлаш муассасалари учун 15,1 тонна маҳсулот захираси жамланади. Бу борада фермер хўжаликлари билан шартномалар тузилган.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

ТАДБИР



Самарқанд янада чирой очмоқда

Яқинда кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри куни вилоятда кенг жамоатчилик иштирокида муносиб нишонланди. Эрта тонгда истироҳат боғлари ҳамда кўчаларда карнай-сурнай чорловлари янгради.

Амир Темур мақбарасидаги Қуръон тиловатидан сўнг жамоатчилик вакиллари ҳамда меҳмонлар Соҳибқирон бобомиз ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Байрам тадбирлари жойларда, маҳалла, ташкилот ва муассасаларида давом этди.

«Чорсу» тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Бадиий академияси вилоят бўлими ижодкорлари томонидан «Қадимий ва навқирон Самарқанд манзаралари» мавзуида расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

Байрам тадбирлари болажонлар учун ҳам эсда қоларли бўлди. 6,9,10-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг тарихий обидаларга саёҳати уюштирилди. Шунингдек, шаҳардаги истироҳат боғларида турли тадбирлар, ҳомийлар томонидан байрам дастурхони ташкил этилди.

Тадбир доирасида шаҳардаги умумтаълим мактабларида «Азим шаҳрим — Самарқандим» мавзусида иншолар танлови ўтказилди. «Шарқ юлдузи» кинотеатрида болалар учун бадиий фильмлар намойиш қилинди. Маҳалла фаоллари, саховатпеша ҳомийлар томонидан маҳаллаларда истиқомат қилаётган якка-ёлғиз кексалар, жисмоний имконияти чекланган, боқувчисини йўқотганлар ҳамда кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, байрам туҳфалари тарқатилди.

— Самарқанд ўзининг бетакрор гўзаллиги, тарихий-маданий обидалари билан азалдан дунё эътиборини тортган қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳардир, — дейди **«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, ЎзХДП фаоли Ҳасан Нормуродов.** — Номи етти иқлимга маълум Самарқанд ҳақида кимлар таърифу тавсифлар билдирмаган, дейсиз. Бугун ўтказилаётган тадбирларда ҳам кўҳна шаҳримиз ҳақида илиқ сўзлар айтилди. Шаҳримизда бўлаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан танишган киши Самарқанд шаҳри янада чирой очаётганига иқрор бўлади.

Байрам тадбирларида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Одам савдосига қарши курашиш бўйича амалий ўқув

Бизнинг энг қадимий қадриятларимиз ҳам инсон шаъни ва унинг қадр-қимматини юксак тутиши билан эъзозланади. Замон ва маконлар силсиласида одамзотнинг азизу мукаррамлиги мудом шарафланган. Бу қадриятлар даврлар алмашиниб, замонлар тараққиёт сари юз тутганида ҳам амалиёт билан уйғун сайқал топиб бормоқда.



Мустақиллик бу — ҳуқуқ, ҳуқуқ эса ўзликни англашдир, деган ҳикмат «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!» деган ғоя билан чамбарчас боғлиқ. Аммо бугунги кунда одам савдоси деган трансмиллий жиноят инсон тақдирига таҳдид солмоқда.

Одам савдоси, оддий қилиб айтганда, ҳуқуқий билимсизлик, мустақил фикр йўқлиги сабабли нафси ҳакалак отган ёвуз ниятлилар тузоғига осонгина илинишдир.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг режасига мувофиқ республика ички ишлар вазирлиги Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят, шаҳар ва туманлардаги ҳудудий идоралараро комиссиялари фаолиятини кундалик турмуш билан мувофиқлаштирувчи кўплаб таъсирчан тарғибот ишларини йўлга қўймоқда.

Наманган вилоят ички ишлар бошқармасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссиялар масъул котиблари, мазкур йўналишга бириктирилган тезкор ходимлар иштирокида амалий ўқув машғулотлари ўтказилди. Республика Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари иштирокидаги машғулотларда ҳуқуқий тарғибот таъсирчанлигини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Президентимизнинг Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарори ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси қарорларининг тўлақонли ижро этилишига эришиш масалалари ҳақида фикр юритилди.

Шунингдек, ўқув машғулотларида ҳудудий идоралараро комиссиялари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари , жамоат ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштиришга эътибор қаратилди.

Ўқув машғулоти иштирокчиларига тегишли меъёрларга асосланган қўлланма, эслатма ва буклетлар тарқатилди.

Тадбирда ҳудудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш билан бирга одам савдосидан жабрланган фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини бунданда кучайтириш, мутасадди идоралар ўртасида ахборот алмашинуви тартибини такомиллаштириш чоралари белгиланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

«Агросаноат мулк маркази» МЧЖ Қорақалпоғистон филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Савдога «Нукус Автосавдо» МЧЖнинг 2014 йил 17 октябрдаги хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Беруний кўчаси, рақамсиз уйда сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/775, НАА, техник носоз ҳолдаги «Матиз» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 13 000000 сўм.

Савдо 2014 йил 12 ноябрь куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 7 ноябрь. Талабгор мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини «Агросаноат мулк маркази» МЧЖнинг АТ «Турон» банк, Нукус шаҳри филиалидаги 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим.

Манзил: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-а уй. Телефон: (0361) 222-55-84.

Гувоҳнома №006388
Хизматлар лицензияланган

ОБ-ҲАВО 28-29.10 — 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
-3 / -8	+1 / +6
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
-3 / -8	+1 / +6
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
-3 / +2	+5 / +10
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
-2 / +3	+6 / +11
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
-3 / +2	+5 / +10
Тошкент шаҳри	
-1 / -3	+6 / +8



Дунё бўйлаб (°C)

Лондон	+18 / +14
Париж	+18 / +19
Москва	+7 / +9
Мадрид	+22 / +23
Пекин	+12 / +16
Канберра	+19 / +23
Рим	+19 / +19
Афина	+17 / +19
Токио	+19 / +19
Стокгольм	+15 / +12
Кейптаун	+26 / +23
Қоҳира	+27 / +26
Гавана	+29 / +29
Вашингтон	+26 / +22

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:

Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
11315 nusxada bosildi.

Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5